**АКСИЛУТОПИЯ** — (форсча аксил — тескари + юнонча и — йўк + юнонча  — жой) инсоният келажагини гоят умидсизлик билан тасаввур килиш натижасида юзага келган илмий-фантастик асар. Утопия йўк, яъни орзу килинган жой бўлса, аксилутопия унинг тескарисидир. Бу хил асарларда илмий-техникавий инкилоб самаралари, айникса, харбий максадлардаги илмий тадкикотлар инсонни хам маънан, хам жисман емирувчи омил сифатида ифодаланади, уларда кўпинча огохлантирувчи гоя илгари сурилади. Тохир Маликнинг «Чоррахада колган одамлар», Сохиба Абдуллаеванинг «Аёллар салтанати» киссалари кахрамонлари Рхак ва Лёлашнинг она сайёраларидаги шароит аксилутопик характердадир.